

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини
ҳаракатдан тугатиш тўғрисида)

2019 йил июль ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди Бешариқ тумани, Абдураззоқ ота маҳалла фуқаролар йиғинида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.Собиров, судья ёрдамчиси З.Саримсоқовнинг котиблигида, Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси М.Хасанов, гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли ва жабрланувчи Отабеков Насимбек Қўчқарали ўғли ва фуқаровий даъвогар Абдуманнонов Махмутжон Исағали ўғлиларни иштирокида,

Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли (Otabekov Islomiddin Abdulaziz o'g'li) 09.06.1993 йилда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Бешариқ тумани, Янгиқўрғон МФЙ, Янгиқўрғон кўчаси 19-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғлига оид №1-1506-1901/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли 2019 йил 15 июнь куни соат 22 ларда бошқарувида бўлган “ВАЗ 21011” русумли 25 О 534 АА давлат рақам белгили автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли хужжатлар асосида Бешариқ тумани, Янгиқўрғон-Қашқар йўналиши бўйлаб бошқариб, иккинчи даражали йўлдан асосий йўлга чиқиш жойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 53-банди “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”, 54-банди “Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга, шунингдек йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак” деб кўрсатилган қоида талабларини қўпол равишда бузиб ҳаракатланиб, асосий йўлда ҳаракатланиб келаётган фуқаро Абдуманнонов Махмутжои Исағали ўғли бошқарувидаги “Nexia” русумли 40 К 125 АА давлат рақам белгили автомашинага йўл бериб ўтказиб юбормасдан ҳаракатланган ва бошқарувидаги автомашина М.Абдуманнонов

бошқарувидаги автомашина билан тўқнашган.

Натижада тан-жароҳатлар олган Н.Отабеков Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасига даволаниш учун ётқизилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2019 йил 19 июнь кунидаги 2020-сонли хулосасида фуқаро Н.Отабековда бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, умуртқа поғонаси ёпиқ шикасти, асоратланмаган 2-3-4-бел умуртқалари танасини компрессион ёпиқ синиши, умуртқа поғонаси каналини торайиши билан, 2-3-бел умуртқалари чап томон кўндаланг ўсиқларини ёпиқ синиши, пешонаси ўнг томонида, чап болдирида, чап оёқ кафтида шилинмалари, чап биқинида қонталаши бўлиб, бу тан жароҳатлари оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Жабрланувчи Отабеков Насимбек Қўчқарали ўғли жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, даволаниши билан боғлиқ барча сарф харажатларни тўлиқ қоплаб келаётганлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқлиги тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Абдуманнонов Махмутжон Исағали ўғли жиноят иши юзасидан ярашувга розилик билдириб, ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли содир этган қилмиши юзасидан кечирим сўраганлигини, у билан ўзаро келишиб олишганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқлиги тушунтирилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғли суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Отабеков Насимбек Кўчқарали ўғли, фуқаровий даъвогар Абдуманнонов Махмутжон Исағали ўғли ва гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғлини ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси М.Хасановнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғлининг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғлига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Абдуманнонов Махмутжон Исағали ўғлиларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

А ж р и м қ и л д и

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи Отабеков Исломиддин Абдулазиз ўғлига нисбатан жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Отабеков Насимбек Кўчқарали ўғли ва фуқаровий даъвогар Абдуманнонов Махмутжон Исағали ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:-

Ф.Собиров

